



Ислом Нури

берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан судраб олиб кетилади. Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган, ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар “олим” дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар “қори” дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнгра буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан судраб олиб кетилади. Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларни шукронасига сен нима амал қилдинг?» деб сўрайди. «Молдавлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим», дейди у. «Ёлғон айтаяпсан, лекин сен бу ишни одамлар сени “сахий” деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди», дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб олиб кетилади (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат куни тавҳид аҳли ичидан биринчи бўлиб дўзахга ташланадиганлар шаҳид, олим ва сахий бўлган, бироқ аслида амалларини Аллоҳ учун холис қилмаган, балки дунёда ном чиқариш ва шон-шуҳрат қозониш учун қилган кишилар бўлади. Аллоҳ таоло дунёда уларга ўзлари истаган нарсани берган эди, охирагда эса амаллари нохолис бўлгани боис дўзах билан азоблайди.



Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Амалларни риё учун қилишнинг хатари;
2. Мазкур уч тоифа кишилар қиёмат куни риёлари сабабидан азоб тортадилар.